



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 3 октябрь, № 193 (4603)

Жума

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 2 октябрь куни Тошкент вилоятида бўлди.

Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларининг аксарияти галлачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари вилоятта ташрифини ана шундай хўжаликлардан бири — Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади. Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда 27,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан галла олди. 27,5 гектар майдонда эса пахта қий-гос очилган.

Ислон Каримов қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, ютуқ ва марраларни изчил янгилаб бориш, хусусан, ер унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил излашни зарурлигига эътиборни қаратди.

Туман ҳудудидан ўтайдиган дарёлар, каналлар ва сойлардан қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда кенг фойдаланилади. Фермерларнинг минерал ўғит, ёнғил, банк кредитлари ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари катта. Бу омиллар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Президентимиз фермерлар, туман ва вилоятнинг мутасадди раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳосилдорлигини янада оширишни муҳим омиллари, илм билан амалиётнинг ҳамкорлиги ҳақида тўхтади.

— Аввало, қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш амалиётига эътиборни тубдан ўзгартириш зарур, — деди Ислон Каримов. — Бунда мутахассислар, агрономлар, олимлар фермерларга яқин маслаҳатчи, керак бўлса ёрдамчи бўлишлари лозим. Айниқса, вилоят ҳудудига жойлашган пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари муайян майдонга қандай экинларни қай тартибда алмашлаб экиш мақсадида мувофиқ экани, қайси экинлар ерни қувват-сизлаштириши-ю, қайсилар тупроқ унумдорлигини ошириши ҳақида деҳқонларимизга аниқ илмий-амалий тавсиялар беришлари даркор.

Туманда икки хил — «Наманган-77» ва «С-65-24» гуза навлари экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари вилоят, туман тупроқ-иқлим шароитига мос янги гуза навларини яратиб ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда олимлар, агрономлар, соҳа мутасаддиларининг фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжihatлиги катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

— Энг муҳими ва асосийси, ерни эъзоллаш, унга меҳр бериш керак, — деди Президентимиз. — Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқди, дейди халқимиз.

Юртбошимизнинг бундай са-



фарлар чоғида оддий одамлар билан учрашиш, дилдан суҳбат қилиши яхши аънаънага айланган. Бундай учрашувлар мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ислон Каримов фермерларнинг қишлоқ хўжалигидан қандай фойда кураётгани, юртимиздаги янгилинишлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурда қандай акс этатгани билан қизиқди.

«Усмонобод» маҳалласи раисаси Шарифа Салимованинг айтишича, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик муҳити, амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар самаралари қишлоқларимизнинг ҳаёт тарзи юксалиши мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳалла ҳудудига яшайдиган аҳолининг қарийб 70 фоизи шахсий автомобилга эга. Утган асрнинг 60-йилларида қурилган мактаб биносининг капитал реконструкция қилингани ўқувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг қувончига қувон қўшган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ушбу маҳаллада ҳам аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда. Эҳтиёжманд оилаларга бепул чорва моллари бериш ва уларни харид қилиш учун эса банк

кредитлари ажратиш амалиёти бунда яна бир самарали иш бўлди. Кейинги вақтда маҳалланинг 12 оиласи соғин сигирли бўлди. Соғин сигир — кутбарак манба. Оилага инъом этилган чорва молни нафақат рўзгор тебратиш воситаси, айни чоғда, яшилгина даромад топиш учун ҳам имконият, демакдир.

Президентимиз оилаларга чорва моллари тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта қўмак бўлаётганини қайд этаркан, келгусида бу борадиги ишларни янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ушбу тадбирдан қўзғалган асосий мақсад, ҳар бир оиланда соғин сигир бўлишидир, демакди, ҳар бир боланинг табиий шў маҳсулотлари истеъмол қилиши ва шу тариқа соғлом вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, жойларда ем соғадиган шохобчалар, махсус дўконлар ташкил этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қўлайликлар яратишнинг амалий бир қўрғинишидир. Хозирги кунда Юқори Чирчиқ тумани ҳудудига ўн битта ана шундай дўкон ишлаб турибди. Мамлакатимиз раҳбари бундай шохобчаларда кунжари, шөлжа, шрот каби чорва емларининг эркин ва улусқис савдосини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимиз ўрта Чирчиқ туманидаги «Аширкат Каримов»

фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини замон талаблари даражасидан барпо этиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини янада қўлайитириш имконини бермоқда. Буни 831 фермер хўжалиги фаолият юриятдан ўрта Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Фермерлик ҳаракати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда, — деди Юртбошимиз. — Фермер — универсал деҳқон. Ерни ҳислов, қилинган меҳнат, етиштирилган ҳосил фермер ишига баҳо беришда асосий қўрсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқларимиз асосини мана шу омиллардан излашимиз керак.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониди қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ва шу асосда ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, ме-

лиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

— Ҳақиқатан, ерларимизнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида эмасди, — дейди «Мадониз» фермер хўжалиги раҳбари Шўҳрат Аҳмедов. — Бу борадиги муаммолар изчил ҳал этилмоқда. Шу пайтга қадар туманимиз бўйича 100 километрик заворлар тозаланди. Фермерларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларининг самарасини ўз фаолиятлари мисолида яққол кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Юртбошимиз Покент туманидаги «Маҳмуд Қосимов» фермер хўжалигига ташриф бўлди. Ушбу хўжалик жорий йилда 52 гектарга галла экиб, 62 центнердан ҳосил олди. Хўжалик раҳбари Мирвосит Мирзахудовнинг айтишича, пахта тайёрлаш ҳам мўлжалдагидан ошириб бажарилади.

Хўжаликда 2007 йили 28 юши меҳнат қилар эди. Жорий йилда полиз экинлари, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига бу кўрсаткич қарийб икки

хисса ошди. Хўжалик битта мактаб-интернат ва болалар боғчасини оталиққа олиб, таъмирлаш ишлари, турли тадбирларни ўтказишда уларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президент Ислон Каримов маъруз хўжалик дала шийонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашди. — Бугун мамлакатимизни раванқ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалимоқда, — деди Ислон Каримов. — Фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоқ саноатини, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли хисса қўймоқда.

Фермер хусусий мулкдор сифатида меҳнатни замонавий асосда ташкил қилади, манфаатдорлиги тўғрисида иш унумдорлигини муттасил ошириб боради. Шунингдек, фермерларимиз хайрли ишларга бош қўшмоқдалар.

Илгари биз фақат пахта етиштириб, бошқа маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Истиклол йилларида пахта майдонлари қўқсариб, бошқа экинлар учун ажратилган майдон тобора кенгаймоқда.

Бундай ўзгаришларни Покент тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Утган бир йилда туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, Хитой ва Эрон ишбилармонлари билан ҳамкорликда иккита қўшма корхона, янги коллеж ва янги мактаб барпо этилди. Жорий йилда туманда 20 минг тоннадан зиёд галла етиштирилди. Туман пахтакорлари 30 минг тонна пахта тайёрлаш ниятида.

Мамлакатимиз раҳбари фермерликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига тўхтади. — Урашувда Окўрғон туманидаги «Азизбек Умар» фермер хўжалиги раҳбари Р. Умиров, Бўка туманидаги «Мўминобод» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Н. Шоматова, Покент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори М. Қурбонова, Қўбрай туманидаги «Байтўғон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Д. Салимова, Зангиота туманидаги «Иттифок мевасабзавотлари» агрофирмаси раҳбари Х. Йўлчиев ва бошқалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини берётганини таъкидлади. Бу халқимиз, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқ МИРЗО, Воҳид ЛУҚМОН, Анвар БОБОЕВ, ҲАА махсус мухбирлари, Сарвар ҲАМОНОВ олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига ҳорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан табриклар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху! Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан самимий тилак ва эзгу истакларимни йўлашдан гоят мамнунман.

Аллоҳ таборака ва таолодан ушбу муборак айём барокотидан Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва раванқ, бутун ислом умматига эса фаровонлик ва кут-баракато этишини сўраб қоламан. Самимий эҳтиром ила, Биродарингиз,

Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД, Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху! Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилак ва эзгу истакларимни йўлашдан мамнунман. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ушбу байрамни барчамизга муборак айлашини, бутун ислом умматига эса шон-шўҳрат, юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила, Биродарингиз, Султон бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, мудоффа ва авиация вазири, Бош таътишичи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху! Сурия халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқини Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ҳақиқатдан Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингиз ҳамда бутун ислом умматига эса фаровонлик ва хотиржамлик тилаб қоламан.

Ҳуқур эҳтиром ила, Башар Ал-АСАД, Сурия Араб Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Жазиор халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклар йўллаб, Аллоҳдан Сизга сийҳат-саломатлик ва дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан. Ҳақиқатдан ўзи барча мусулмонларнинг бирдамлигини мустаҳкамлайдиган мазкур байрамнинг раҳматларидан ҳамда бандалар мағфират этиладиган Рамазон ойининг ахр-саовабларидан бизларга насиб этсин.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона ҳамкорлик алоқалари халқларимиз манфаатлари йўлида янада юксак погоналарга қўтарилишига умид билдираман. Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазиор Халқ Демократик Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийларига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан самимий тилак ва эзгу истакларимни йўлашдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Қамол эҳтиром ила, Абдуллоҳ II бин Ал-ҲУСАЙН, Иордания Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мусулмон олами Рамазон ҳайитини нишонлаётган ушбу дамларда Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон халқига Мали халқи ва шаҳсан ўз номидан энг самимий табрикларни йўлашдан гоят мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, мен Мали ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доим тайёр эканлигим таъкидлаб ўтмоқчиман.

Қодир Аллоҳдан бутун дунёда тинчлик, бағрикенглик, бирдамлик ва тотувлик қарор топиши йўлидаги сийҳат-ҳаракатларимизга мадад беришини сўраб қоламан. Эҳтиром ила,

Амаду Тумани ТУРЕ, Мали Республикаси Президенти.

БУНЁДКОР ЮРТ БАЙРАМЛАРИ

Сентябрь ойининг илк кунинда энг улғу, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллиги кунининг қувончлари, тантаналаридан бутун мамлакат дарёдай жўшиб, тошиб яшади. Бу ёруғ оламда ҳеч бир воқеа, ҳодиса бесабаб юз бермайди. Мустақиллигимизнинг шарофли ўн етти йиллиги умумхалқ, умуммиллий тантаналарининг боисини ҳам унинг бебаҳо шарофатларидан излайлик. Ахир ана шу Мустақиллик-ку бизни дунёга қайтадан буюк бир халқ ва миллат сифатида танитган! Мустақиллик бугунги тинч, осойишта, обод ва фаровон кунларимизга

йўл очди. Мустақиллик — буюк ва порлоқ келажагимизга бизда ишонч уйғотди, шу келажақ билан боғлиқ юксак ва дадил орзу-мақсадларни, интилишлар-ни юрагимизга солди... Бундай улғу бурилишни бошлаб берган кунни умумхалқ миқёсда байрам қилмай бўладими?! Мустақиллик кунининг ҳаётимизда ҳаммаша энг улғу, энг азиз, бош байрам бўлиб қолверди. Улғу марифатпарваримиз Абдулла Авлоний айтганларидек, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадирган»

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКISTON — КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАЁТГАН БАРҚАРОР ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ»

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида юртимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ва фотокўргазма бўлиб ўтди.

Унда Буюк Британия давлат, сиёсий, ишбилармон ва таҳлил доиралари вакиллари, шунингдек, Лондонда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Меҳмонлар эътиборига Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига

бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ва байрам концерти намойиш этилди.

▼ Биз ва дунё ▼

Тадбир доирасида Британия — Ўзбекистон ҳамияти ва «Оксус Голд» компаниясининг молиявий қўллаб-қувватлаши

асосида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон: кеҳ ва бугун, жойлар ва одамлар» деб номланган фотокўргазма очилди. Бир мუдат аввал, жорий йилнинг июнь ойида ушбу кўргазма Шотландиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган (Давоми 2-бетда).

ЙўЛЛАР РАВОНЛАШИБ, ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙМОҚДА

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда 160 километр узунликдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўллари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, мавжудларини реконструкция қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бир рақам шарҳи

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Бутун муслмон олами муборак Рамазон хайитини нишонлаётган онларда Сиз, Жаноби Олийларига Фаластин халқи, раҳбарлари номидан энг самимий ва дўстона табрикларни йўллаш бизга мамнуният бахш этади.

Ушбу айёмда Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва халқингиз ҳамда муслмон умматига барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Энг эзгу тилаклар ила,

Маҳмуд АББАС,

Фаластин Миллий маъмурияти раиси, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини бутун дунё муслмонларининг муқаддас байрами — Рамазон хайити билан табриклаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига умид қилган ҳолда Яратқандан Сизга сихат-саломатлик, халқингизга равақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Эмомалӣ РАҲМОН,

Тожикистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон хайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларини йўллашдан беҳад мамнунман.

Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи ва бутун ислом умматига хайр-баракот, равақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Алр МУСО,

Араб давлатлари уюشمаси Бош котиби.

Шунингдек,

- Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоган,
- Бангладеш Халқ Республикаси ҳукумати раиси Фахруддин Аҳмад,
- Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов,
- Ингушетия Республикаси Президенти Мурат Зязиков,
- Чеченистон Республикаси Президенти Рамзан Қодиров,
- Кавказ муслмонлари бошқармаси раҳбари, шайх-ул-ислом Оллоҳшукр Пошозода ҳам табрик йўллади.

БУНЁДКОР ЮРТ БАЙРАМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қадриятлари бўлади. Дарҳақиқат, шундай қадриятлар борки, улар миллат, халқ учун гоятда муҳим ва жиҳдий аҳамият касб этади. Яъни, умуммиллий қадрият мар-табасида намён бўлади. Ўзбекистон Миллий университети, шак-шубҳасиз, халқимиз фахр-навадиган ана шундай улкан миллий-маънавий қадриятларимиздан биридир. XX аср бошида фидойи, руҳий-маънавий жасоратли, миллий маърифатпарвар намоёндаларимиз тамал тошини қўйган бу олий таълим даргоҳи ташкил топганлигига шу кунларда 90 йил тўлди. Ушбу табаррук таълим даргоҳининг юбилейи шу йилнинг 27 сентябрида катта иқтисодий-маънавий воқеа сифатида юртимизда кенг нишонланди. Юртбошимизнинг шу муносабат билан университет жамоатчилигига йўллаган табригини бутун мамлакат аҳли маъзур тантананинг энг олий воқеаси, гултожи тарзида қабул қилди. Ушунинг кутлуғ юбилейи шарофати билан давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабалари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Ушбу университетнинг таваллуд тўли билан боғлиқ тантаналар мамлакатимиз таълим ва тарбия соҳасининг яна бир катта байрами — 1 октябрда нишонланган Ҳақиқатчилар ва мураббийлар кўни шодонлигига ҳамнафас бўлиб, унга узвий уланиш кетди. Ҳақиқатчилар ва мураббийлар — юртимизда катта кўни. Бугун Ўзбекистон таълим тизимида қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари меҳнат қилмоқда. Улар 7 миллиондан зиёд ўқувчиларимизни соғлом ва баркамол авлод сифатида тарбиялаб, воқеа этказишдек шарафли фаолият билан банд. Бундай фидойи, эйбонлар, элга яшиллик, етуқлик ва тараққиётни соғинадиган муҳтарам зотларнинг байрами — бутун эл-юртнинг байрами, ҳаммамизнинг байрамимиздир.

Ўзбекистонда бугун нимба азиз — таълим азиз, тарбия азиз, устозлар, ўқитувчилар, мураббийлар азиз. Шахсан Юртбошимизнинг ўзлари бутун му-стақиллик йиллари давомида таълим-тарбия соҳаси ва унинг зах-макташларида мухтаман меҳр ва эҳтиром қўриштиб келмоқдалар. Уларнинг оиллик иш ҳақлари тўғрисида оширилмоқда, таълим ва тарбия соҳаси ходимларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя-лаш чора-тадбирлари қўрилмоқ-да. Ҳақиқатчилар, мураббийлар энг

юксак давлат мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Ҳар йили касб байрамлари арасидада у-стозларнинг янги ва янги гуруҳ-лари таълим-тарбия соҳасидаги юксак ўнвонлар, давлатимизнинг фахрли орденлари ва медаллари билан тақдирланишлари яши бир анъанага айланди. Юр-тимизда таълим-тарбия соҳаси хо-димларининг касб байрами кўни бутун мамлакат аҳли ўқитувчи-лар ва мураббийлар қаторида дам олади. Бу эса устозлар байрамидан умумхалқ байрамига айланганлигидир.

Жорий йилнинг октябр ойи биринчи кунинда халқимиз яна бир табаррук байрам хайру амалларидан баҳраманд бўлди. Булар бу ўринда муборак Рама-зон хайитини назарда тулмоқда-миз.

Халқимиз онги ва қалбидан чуқур ўрин олган, унинг миллий байрамларидан бирига айланган бу айём соҳиб шўро тузумида “эскилик, бидъат” деб қатъий қораланган эди. Мустақиллик шарофати билан, Президентимизнинг 1992 йилнинг 27 мар-тидаги махсус Фармонида кўра, бу анъанавий диний байрам мамлакатимизда барқарор ра-вишда нишонланиб келинмоқда. Ушбу байрам кўни ҳам давлати-миз раҳбари томонидан дам олиш кўни деб эълон қилинган.

Бу дунё турли-туман воқеа-хадисларга бой, инсоният му-ражаб ва ўта эҳдиетли бир ҳаёт ичда яшайди. Терроризм, тур-ли таъбий офатлар, оғир кўли-фатлилар ҳам келтириб, шу му-носабат билан айрим мамла-катларда “миллий мотам” кун-лари эълон қилинаётганлигидан хабардоримиз. Беваҳд шукрлар-ким, раҳнаомизнинг азму иро-даси дурағли мамлакатимиз тинч, осейишта, халқимиз бир ёқдан бош чиқариб, улкан орзу-мақсадлар йўлида яшаб, меҳнат қилмоқда.

Бир оз тақрор бўлса-да, ай-тамиз: юртимиздаги байрамлар — яшилликнинг, эзуқликнинг да-рақасидир. Ҳаёти барқарор, тур-мушнинг мамнун халқ ҳаётида байрамлар, тўйларга ўрин бўла-ди. Демак, жамиятда бунга ша-роит, шунга яраша кайфият ва байрам, тўйлар қилиншига арзи-қил ҳаётини сабаблар, хайрли воқеа-хадислар мавжуддир. Ўзбекистон — ана шундай юрт. Бу юрт аҳлининг ўйлагани — я-шиллик, камолот, инсонгарчилик, қийаётли ишлари эса бунёдкор-лик, кўриш, яратилиш қаратил-ган. Бундай юртнинг келажиги ёруғ, ҳаёти янги кунларга, байрамларга ҳамнафасдир.

М. САҲАРОВ, шарҳловчи.

Авал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан, сайловни ўтказиш 2008 йилнинг ноябрь-декабрь ойларига белгиланган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўз фаолиятини бошлади.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ — ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОДИМИ

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш амалдаги қонунийлик асосида демократиянинг очиқ ва ошқоралик принципларига мувофиқ равишда олиб борилади. Зеро, бу умумхалқ тадбирини муваффақиятли тарзда ўтказиш учун тажрибамиз ҳам, ақлу идрокимиз ҳам, ҳуқуқий асосларимиз ҳам етарли.

Эсингизда бўлса, 2006 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларига сайловлар бўлиб ўтганди. Табиийки, бу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва

уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, бошқа қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилган эди. Қолаверса,

бу ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги аҳоли кундалик ҳаёти билан боғлиқ турли хил масалаларни бартаф этишдаги ролини кучайтиришда муҳим босқич бўлди. Ана шу тадбирларнинг на-тижаси ўлароқ, бугунги кунда

фуқаролар йиғинларининг тўққиз мингдан ортиқ раис (оқсоқоллари) маҳаллалар ҳаётига дахлдор бўлган маса-лаларни ижобий ҳал этиш

ланинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги устувор муваффақияти ҳам шундир. Шу нуктаи назардан, фуқаролар йиғинларига сайловлар жамиятни демократлаштиришнинг му-ҳим босқичи бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Табиийки, бошлан-ғав сайлов кампанияси қатор ташкилий тадбирлар ўтказиш-ни талаб қилади. Қорақалпоғ-истон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари ви-лоят туман, ва шаҳар Кенга-шлари қарорлари асосида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари

тузиш билан бу тадбирга “Ма-ҳалла” жамғармаси, Ўзбеки-стон фахрийларни қўллаб-қув-ватлаш “Нуроний” жамғарма-си, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўли-нмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам жалб эти-лиши белгиланган. Улар ёрда-мида аҳоли ўртасида кенг ту-шунтириш ва тарғибот ишла-ри олиб борилади. Шунинг-дек, мазкур комиссиялар сай-ловларни ташкил этиш ва ўт-казиш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳларнинг ахборотла-рини тинглаб боради ва тегишли ёрдам кўрсатади.

Хуллас, сайлов кампанияси бошланди. Бу ижтимоий-сиё-сий тадбирни жойларда наму-нали ташкил этиш ва ушқоқ-лик билан ўтказиш бугунги кун-да нуфузи ортиб бораётган ма-ҳалла институтининг мақоми янада юксалтириши, табиий.

М. РАҲАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Марказий Осиё саноат ҳафталиги номи билан анжуман иш бошланди. Илк бор ташкил этилган ушбу тадбир бир йўла 4 та иқтисодлашган халқаро кўргазмани бирлаштирган билан ниятда аҳамиятлидир. Булар «Кончилек ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2008», «Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia

Uzbekistan — 2008», «Саноат учун қадоқлаш воситалари, идишлар ва ёрликлар — PromUpak Uzbekistan — 2008», «Машинасозлик — Machinery Central Asia — 2008» халқаро Ўзбекистон иқтисодлашган кўргазмаларидир. Шунинг-дек, анжуман доирасида яна бир янги йўналиш — «Саноатда электроника ва хавфсизлик» экспозицияси ҳам намойиш этилмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНОАТ ҲАФТАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқа-лар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодий, Қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядор-лик компаниялари ҳамда Тош-кент шаҳар ҳокимлиги ҳамкор-лигида «IRE Uzbekistan» халқаро кўргазма-компанияси томонидан ташкил этилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, анжуман мазму жиҳатидан бир-бирига яқин тармоқларнинг ютуқ-ларини намойиш қилиш билан, чегараланмайди, балки уларнинг ўзаро алоқаларини янада ривож-лантиришга хизмат қилади. Шу

жоғлу. — Қўриб турганимиз, мана бу, улкан гидробўғалар-нинг 300 хилдан йилгига 300 минг тона ишлаб чиқарамиз. Геология-қидирув, шаҳарсозлик, йўлсозлик каби иқтисодийнинг етакчи тармоқларида қўлланила-диган бу ускуналар дўненинг 40 дан зиёд давлатига экспорт қи-лнанди. Мамлакатингиз иқтисоди-ёти билан ақин-дан таннишиб бил-дирилди, мазкур тармоқлар-жадал

ривожланмоқда. Кўргазмаларнинг қайси бўли-мида бўлган, ҳақонинг етак-чи компанияларининг тармоқда иқтисодлашган илгор техникала-ри, ускуна ва жиҳозлари билан танишасиз. Эътиборлики, анжу-ман доирасида соҳа ходимлари

Россиянинг «Полимак» ком-панияси билан узок келишудан сўнг ҳамкорлик қилишга қарор қилган юрдошимизни сўбатта тортиди. У ўзини «Катрон» масъ-улият чекланган жамиятининг бош директори Фофур Мўхам-медов деб таништирди.

— Корхонамиз пластмасса ва резина ном ашёбидан турли рўзгор буюмлари, саноат мах-сулотлари ишлаб чиқаришга иқ-тисодлашган, — дейди у. — Ан-жуман бизга ўшанган юртимиз тадбиркорлари учун янги имко-ният эшигини очиб берди. Ан-чадан буюн резина идишлар иш-лаб чиқаришни мўлжаллаб юр-дуб. Фақат технология йўлиги бу ниятимиз амалга ошишига имкон бермаётган эди. Бу ерга келиб, ўзимиз иزلанган ускуна-ни топдик. Энди уни сотиб олиб, фаолиятимизни кенгайтираемиз.

Мамлакатимиздаги гигант корхоналардан бири — “Шуртан-газим” мажмуиси махсулот-лари намойиш этилаётган жой одамлар билан ниятда га-вжум. Улар орасида хоржиқлар ҳам кўп. Бу ерда 27 хилдаги полнетилен грануларлар тақлиф этилмоқда. Улар кабель изоля-циялари, труба, елим идиш-лар, плёнка ва бошқа кўплаб саноат махсулотлари ишлаб чи-қаришда қўлланилади. Ҳозирга-ча ҳам корхонанинг 80 фоиз махсулотни Россия, Украина, Хитой, Эрон ва бошқа кўплаб дав-латларга экспорт қилинмоқда.

Анжуманда иштирок этаётган мамлакатимизнинг бошқа кор-хоналари вакиллари ҳам олди-сотди бўйича кўплаб келишув-ларга эришмоқдалар. Бу Мар-казий Осиё саноат ҳафталиги-дан кўзланган мақсад тўла амалга ошаётганидан далоят-дир. 4 октябрдан мана этакидан мазкур халқаро анжуман юртимиз иқтисодийнинг етак-чи тармоқлари ютуқларини на-мойиш этиш орқали халқаро алоқаларни кучайтириш, тизим-даги корхоналарнинг фаолияти-ни келтиришга янада ривожлан-тиришдек энг мақсадларга хиз-мат қилиши, шубҳасиз.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. **СУРАТДА:** халқаро анжу-ман ишидан лавҳа. **Ҳасан ПАЙДОЕВ** олган сурат.



маънода у саноат тармоқларини истиқболда янги босқичга олиб чиқиш учун ахборот майдонини вақифасини ўтайди. Халқаро анжуманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнаомлигида иқтисодийнинг кон-метал-лургия, геология, кимё, маши-насозлик саноати тобора ривож-ланмоқда. Хоржиқ ишбилар-

улардан фойдаланиш тартиби, сўнгги янгиликлар, замонавий иш-ланмалар хусусида ўзаро фикр алмашмоқдалар. — Биз резина махсулотлари ишлаб чиқарувчи минн ускуна қидираётимиз, — дейди харидор. — Мана, сизга каталог. Та-нишиб чиқиб, ўзингизга маъ-кулини танланг.

«ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАЁТГАН БАРҚАРОР ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон маданияти кеңаси-дорасида муваффақиятли на-мойиш этилган эди. Ўзбекистон фото саныати та-рихи XIX аср сўнгидан бошла-ниши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айнан уша даврдан бошлаб турли сурат-кашлар ва истъоддодли ижод-корлар ўзбек халқининг кунда-лик ҳаёт тарзини тасвирга олиб, тон маънодаги санъат асарла-рини яратганлар. Утган давр бойидаги Ўзбекистон туб та-рихий ўғаришларини бошдан кечирди, ҳаёт тарзи, шаҳарлар қиёфаси ва иқтисодий инфра-

структура мутлақо ўзгарди. Аммо, шу билан бир қаторда, ўтган вақт бойидаги қадимий анъаналар ва мўй маданий ме-роф асраб-авайланди, янада ривожланди. Шунинг билан олган ҳолда, фотокўргазма юз берган тари-хий ўғаришларини Ўзбекистон-даги турли диққатга сазовор жойлар ва одамлар қиёфаси орқали идрок этишга қаратил-ган. Кўргазмадан «Ўзбек фо-тографияси 125 ёшда» тўпла-ми ҳамда «Жаҳон» ахборот агентлиги архивидан олинган олтиншита сурат жой олган бўлиб, уларда тарихий ёдгор-ликлар, қурилиш, тўқимачилик

саноати, самолётсозлик ва ав-томобилсозлик, маданият ва санъат, динларро товулик, хунармандчилик, катталарга хур-мат, ёшлар, оила ва бошқа мавзулар қамраб олинган. Байрам кеңаси иштирокчи-лари мамлакатимиз халқини Мустақиллик кўни билан сам-имий табриклаб, ватандошлари-мизга тинчлик, барқарорлик ва равақ тилаб қолди. Меҳмонларнинг аксарияти юртимиз раҳбарининг маъруза-сида мамлакатда олиб бори-лаётган улкан бунёдкорлик иш-лар сарҳисоли ва халқимиз ил-дида турган янги вазифалар келтириб ўтилганини таъкидла-ди.

Жумладан, Савдо ва са-ноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия Кенга-ши ҳамраиси Хартли Бут Ўзбекистон халқини бай-рам билан самимий табрик-лаб, кўргазмада намойиш этилган фотосуратлардан катта завқ олганини айтиб ўтди. «Тарих ва бугуннинг лаҳзаларини қиёслаш жуда қизиқarli ва ибратли бўлди, — деди у. — Бу асарларда Ўзбекистон ўз тарққиёт йўлидан нақадар ишонч бил-лан одимлаётганини кузатиш мумкин». Кувайтнинг Буюк Бри-таниянинг элчиси, Ло-

дондаги дипломатия кор-пуси дуайени Халид ал-Дувайсан Ўзбекистон ислом ва жаҳон цивилизацияси ри-вожига бебаҳо хисса қўшган буюк алломалар билан ном қозонганига эътибор қаратди. «Халқингиз истиқбол қилари-да қўлга киритган ютуқлари билан ҳам тон маънода фахр-ланмиш мумкин, — деди дип-ломат. — Биз ўзбекистонлик дўстларимиз ўз миллий ме-росини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга нечоғли катта эъти-бор кўрсатаётганини қўриб, хайратда қолдик». Россия ва Марказий Осиёда бизнесни ривож-

лантириш бўйича «Dods Europe» наши директори Жеймс Миллер юртимизга янада равақ ва ҳар томонла-ра тарққиётни тўлган ҳолда, Ўзбекистонни кўп йиллардан буюн яши биллишини кайр этди. «Бу қадар қисқа давр ичда Ўзбекистон эришган натижалар-ни қўлга киритган давлатлар дунёда жуда кам, — деди эк-сперт. — Хозирги Ўзбекистон — ёш, иқтидорли ва биллими аҳолига эга бўлган ҳамда ке-лажак сари ишонч билан одим-лаётган барқарор ва қудратли давлатдир».

«Жаҳон» АА. Лондон

ЖАҲОН 24 соат ичида
Фойдаланувчилар сони ошмоқда



Халқаро электр алоқа иттифоқи маълумотларида келтирилишича, жорий йилда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони кескин ошиб бормоқда.

Тахлилларга қараганда, йил якунига қадар дунё бўйича уяли алоқа операторлари миқдори сони тўрт миллиардга етди. Бу борада, айниқса, Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой давлатлари етакчилик қилмоқда.

Бахтсиз ҳодиса оқибати

Покистонда йўловчи автобуси ёниги ташвиш машинаси билан тўқнашиб кетди. Бу ҳақда маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди.

Панжоб музофотида юз берган ушбу фоҳиша оқибатида 60 киши ҳаётдан кўз юмган. Полициянинг дастлабки текширувларига кўра, бахтсиз ҳодисага автобус ҳайдовчисининг кат-

та тезликда ҳаракатлангани сабаб бўлган. Буни воқеага гувоҳ бўлганлар ҳам тасдиқлашган. Айтиш керак ҳалокат юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Зилзила содир бўлди

"Рейтер" ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, Янги Зеландияда Рихтер шкаласи бўйича 7,3 баллга тенг бўлган зилзила рўй берди.



Хабарларга кўра, табиий офатнинг маркази Кермадек оролларида кузатишган. Зилзила келтирган зарарлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Янги конституция қабул қилинди

Эквадор давлатида янги конституция қабул қилинди, дейлади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.

Уни мамлакатнинг 70 фоизга яқин аҳолиси қўллаб-қувватлаган. Янги асосий қонунда давлатни бошқаришда қуролли кучлар родини

ошириш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, амалдаги президент Рафаэл Корреа 2013 йилгача ўз лавозимида қолиши кўзда тутилган.

Муаммо ечимини топмапти



Сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинган «Фиана» кемасини озод қилиш бора-сидаги ҳаракатлар ижобий томонга силжимапти.

Айни пайтда мажбур ҳудудга АҚШнинг қўшимча ҳарбий кема-лари етиб келган. Бу ҳақда АҚШ ҳарбий денгиз кучлари бешинчи флоты вакили Натан Кристенсен маълум қилган.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, «Фиана» ўтган ҳафтада Кения қирғоқлари яқинидаги бетараф ҳудудда қароқчилар томонидан қўлга олинган. Унинг бортида Кения армияси учун олиб кетилган 33 та «Т-32» танки ва унинг эҳтиёт қисмлари жойланган.

Хабарларга қараганда, 21 кишилик экипаж аъзосига эга кема капитани Владимир Колобков 28 сентябрь кўни юрак хуружи туфайли ҳаётдан кўз юмган.

Қалтис қўниш

Калининград шаҳридаги «Храброво» аэропортида «КД-Авиа» авиакомпаниясига тегишли «Boeing-737» йўловчи самолётининг қўниш вақтида жиддий ҳалокатга учрашига бир баҳа қолди.

Бу ҳақда «Регнум» ахборот агентлиги маълум қилди. Хабарларда келтирилишича, Барселонадан парвоз қилган ҳаво лайнерининг бортида 150 нафар йўловчи бўлган. Улардан бирининг сўзларига қараганда, самолёт қўниш чоғида ерга зарб билан урилган ва шу заҳотиёқ тўхтаб қолган.

Йўловчилардан ҳеч ким жабр кўрмади. Фақат учин-қўниш йўлакчаси таъмирталаб аҳволда келиб қолди. Шу боис «Храброво»даги барча рейслар вақтинча Минск шаҳридаги аэропортга кўчирилди. Муаммога нима сабаб бўлгани ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда молия-банк тизимини ислоҳ қилиш дастурини ижро этиш, тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилатгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банкларининг устав капитали ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2 баравар кўлайди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жами капитали ва иқтисодиётга кредит қўйилmalarини тегишли равишда 40,7 ва 28,4 фоиз ошириш имконини берди.

БАНК КРЕДИТИ — ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Бу борада республикамизнинг энг йирик ва етакчи банкларидан бири — «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг салмоқли хиссаси бор. Бугун унинг Фарғона вилояти филиали жамоаси олиб бораётган ишлар ҳақида хикоя қилмоқчимиз. Гап шундаки, 1996 йилда ташкил этилган мазкур филиал ўз миқдорларига кўрсатаётган хизматнинг сифати ва тезкорлиги жиҳатидан алоҳида маъража эга. Ўтган даврда банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, замонавий универсал банк хизматларини йўлга қўйиш мақсадида банк активларининг таркибини яхшилаш, рентабеллик даражасини ошириш ҳамда самарадорлик кўрсатишлари барқарорлаштиришга эришгани шундан далolat беради.

Курилиш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ушбу секторни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2,6 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши туфайли 65 та янги иш ўрни яратилди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

Молия муассасаларида

рининг барқарор ишлаши йўлга қўйилди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида эса, филиал томонидан шу йилнинг 8 ойи мобайнида 68 та ёш оилага уй-жой, жиҳозлар ва маиший техникалар сотиб олиш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жами 770,9 млн. сўмлик кредитлар берилган бўлса, сервис соҳасига йўналтирилган кредит маблағлари миқдори 1,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилнинг бошида банк филиали маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда қорвачилик, кўчат еттиштириш, асарларчилик, балчиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиққан эди. Ўтган ойлар мобайнида ана шу дастур ижроси учун банк томонидан 142 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, «Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун» тамойилига асосан, аҳолига ҳар томонлама қўлай бўлган лизинг амалиётлари, пластик картчаларни муомалага чиқариш, кредит картчалари орқали овердрафт усулида молиялаш, автокредит каби янги хизмат турлари жорий қилинди.

— Асосий эътиборни узоқ муддатли инвестиция ва маҳаллий лойиҳаларни молиялаштиришга қаратамиз, — дейди филиал бошқарувчиси Рашидхон Нурматов биз билан сўхбатда. — Жумладан, Фарғона шаҳрининг ўзидан 3 та йирик лойиҳани амалга ошириш учун хорижий кредит ли-

тараққийоти шаклида қўра эса, банкнинг 287,5 млн.сўмлик лизинг кредитлари эвазига вилоятдаги 28 нафар аёл тадбиркорлик соҳасини танлаб, юрт равақи, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг шу йил 20 февралда қабул қилинган «Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, фуқароларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш учун жойларда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга, нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида 22 миңдан ортиқ пластик картчаларни муомалага чиқарилиб, салкам 180 та савдо шохобчасига терминаллар ўрнатилди. 200 дан зиёд корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 800 миллион сўмдан кўпроқ нақд пулсиз айланмани таъминлаган бўлса, 44 турдаги энг оммабоп халқаро пул ўтказмасининг йўлга қўйилиши аҳолига 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тўловларни рўзба қилиришга кўмаклашди.

Дарҳақиқат, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ва унинг Фарғона вилояти филиали жамоалари бугун банк кредити — тараққийот калити эканлигини чуқур англаб, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқдалар. Бу ўз самарасини бераётган. Натихада миқозлар сафи яна-

Икром УТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё томонларда

Иш ўринлари кўпаймоқда

«Микрокредитбанк»нинг Сурхондарё вилояти филиали ўз маблағлари ҳисобига 10 миңга яқин иш ўринлари ташкил этди. Эътиборлиши, уларнинг 5 миңдан ортиғига қишлоқ аёллари жалб этилди.

Гулсели Қобилова Бойсуннинг узоқ тоғ қишлоғи — Авлодда ашайди. Тадбиркорликка чоғланган, банкдан кредит олди. Кўп эмас — 600 миң сўм. Кўй жунини қайта ишлаб, ундан уй-ўйғор ашёларини тайёрлайдиган цех очди.

— Ишчиларимиз 12 нафар. Ҳаммаси дугоналарим, — дейди Гулселим. — Жундан 10 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрлаётимиз: йўлак, ёстиқ, чавандозлар учун энгил қўлқоп, ёстиқ, ошхона ашёларини сақлайдиган халтачалар. Кредитимиз баракали чиқди. Уни, ишонсангиз, сотган ўн та хуржунимизнинг пули билан ёпиб қўйдик. Бу ёни энди ўзимизнинг фойдамызга қолади.

Шу тўғрисида Даштиғоз қишлоғи аёлларига ҳам микрокредит қўл келди. Тодга тивит бисёр. Хотида Бобохонова, Махбуба Қудратова каби ҳунармандлар бир гиламлар тўқишяптики, кўриб кўз қувонади.

— Арқоқчи безайдиган буюкларни ҳам тоғ дархатлари илдизидан ўзимиз ҳэзирлаймиз, — дейди илғор тўқувчи Гулҳебра Бердиназарова. — Улар сувда ювилиб кетмайди, ўчмайди, яшнаб туради.

Ҳунарманднинг рўзғори обод

Баҳодир Жўраев кичик маоши билан катта рўзғорини боққан оддий ишчининг ўғли. Уғил ҳам эсини таниб оддийгина касб билан шуғулланди. Ҳунарманд бўлди. Сандиқ, бешик ясади.

Мустиқиллик ёш йигитнинг кўнглига орзу-хавас солди. Идрок-шижоат бахш этди. Бойсунда тоғларидан мебелсозликни ўрганди. Банка бориб, салмоқлигина кредит олди. Шундай қилиб, сандиксозлик цехини мебел корхонасига айлантириб юборди.

Корхонада ҳозир 20 хил жиҳоз тайёрланмоқда. 20 нафар ишчи — Баҳодирнинг шогирдлари. Технология мукамал, махсулот сифатли, даромаднинг чўғи баянда. Демак, рўзғор обод.

— Мустиқиллик бизнинг бахтимиз, — дейди Баҳодир. — Мен шунчаки ишчи бўлиб қолавершим ҳам мумкин эди. Бугун ўз маблағига ўзи хўжайин, диди баланд истеъмолчилар билан данил муомала қилиб турган тадбиркорман. Шу юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

Россия Федерациясида қонуний асосда меҳнат қилиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишни амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ, шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга жойлашишда кўмаклашади:

- электр-пайвандчи; • электр-механик; • пайвандчи; • бўёқчи; • гишт терувчи; • сувоқчи; • кафель терувчи; • плиткачи; • тикувчи; • оддий ишчи; • юк ташувчи; • экскаваторчи; • бульдозерчи; • ҳайдовчи; • тоғ-кон ишчилари

ва бошқа барча мутахассисликлар.

Ойлик иш ҳақи — 650 000 сўмдан 1 100 000 сўмгача (12 000 — 20 000 рубль).

- Ишчилар: ✓ 3 маҳал иссиқ овқат; ✓ бепул ётоқхона; ✓ ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома; ✓ тиббий сугурта билан таъминланиш имкониятлари мавжуд.

Мутахассислар қуйидаги талаблар бўйича қабул қилинади:

- ёши — 20 дан 45 гача; • мутахассислик бўйича иш малакасига эга бўлиши; • рус тилини сўзлашув даражасида билиши керак.

Қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдада тақдим этилиши лозим:

- паспорт асли ва 5 та нусхаси; • ҳарбий гувоҳнома асли ва 2 та нусхаси; • мутахассислик ёки соҳа бўйича билимининг тасдиқловчи сертификати (диплом) асли ва 2 та нусхаси; • меҳнат дафтраси асли ва барча бетлардан 2 та нусхаси; • 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат (конвертда); • ОИТС (СПИД) марказидан маълумотнома; • ота-онаси ёки умр йўлдошининг розилик хати; • маҳалла кўмитасидан тавсиянома; • маҳаллий ички ишлар идораларидан фуқарони республика ҳудудидан ташқарига чиқишига монелик (масалан, жиноий иш очилган ёки қидирув) ҳоллари йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-21-55, 150-21-56, 150-21-57.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» кўчаси, 44-уй. Мўлжал: «Хадра» майдони, «SAMSUNG» ёзуви, «БРАВО» мебеллар дўкони орқасида.

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Table with 4 columns: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход, Qмин, м³/час; Максим. расход, Qмакс, м³/час. Rows include 25 G10, 40 G25, 65 G65.

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

«TOSOL-N» МЧЖ

ИЧКИ ЁНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН

ОЖ русумли совитувчи сувоқлик - антифриз ишлаб чиқаради «TOSOL- A30, A40, A65, TOSOL- AM концентрат»

Мазкур махсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камроқ занглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Махсулот миқозининг хоҳишига қараб 5 кг, 10 кглик идишлар ва 200 литрли бочкаларга кадокланади

Тўлов усули - нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

MDIS in Tashkent Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2008-2009 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА тақлиф қилади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 100027, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28. Тел.: 276-90-94, 276-92-39. Омадли келажакка биз билан эришинг!

«INTEGRAL ASIA» 17" мониторли P4 компьютерлари



Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26. Товар сертификатланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

Спорт Sport Спорт Sport Спорт Sport Спорт Sport Спорт



Республика Олимпия захиралари теннис мактабида хотин-қизлар ўртасида ўзини-ўзи баҳолаётган «Tashkent Open 2008» турнири қизғин давом этмоқда. Мусобақа иштирокчилари орасида WTA таснифининг кучли юзлигидан жой олган бир қатор ракетка усталарининг борлиги турнирнинг янада кескин ўтишини таъминламоқда.

БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Мазкур нуфузли мусобақада ўндан ортиқ ҳамюртимиз ҳам ўз имкониятини синая қўрди. Улар орасида айни дамда аёллар рейтингда 78-погонани банд этиб турган иктидорли спортчимиз Окгул Омонмуродова ҳам бор эди. Афсуски, кўпчилик

(Польша)га қарши баҳс олиб борса, Магдалена Рибарикова (Словакия) ва Иоана Ралука Оларилар (Руминия) ўзаро беллашди. Хитойлик Шуай Пенг руминиялик Моника Никулеску билан баҳслашса, Мишель Ларчеде-Бри-то (Португалия) ва Сорана Кирсти (Руминия) ўртасидаги беллашув ҳам кескин ўтиши башорат қилинмоқда.

«Tashkent Open 2008»

мўлиси мутахассислар томонидан бош мукофотга асосий даъвогарлардан бири саналган юрдошимиз биринчи баҳсидаёқ польшалик рақибаси Урзула Радванскага имкониятни бой бериб, мусобақани тарк этди. Ёш ракеткачиларимиздан Алиса Огородова, Дилара Саидхўжаева, Нигина Абдураимова ҳам мағлубиятга учрашган бўлишса-да, томошабинларда яхши таассурот қолдиришди.

Шу ўрнида таъкидлаш жоиз, «Tashkent Open»нинг мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, мазкур турнирда бир қатор янги номлар ҳам кашф этилаётгани қувонарлидир. Масалан, биргина жорий йилги баҳсларда Сабин Лициски, Урзула Радванска ва Иоана Ралука Олари сингари теннисчилар баҳснинг эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Фазлидин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



Шу йилнинг 18-30 сентябрь кунлари Францияда ўтган ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Руслан Носиров катталар ўртасида бронза медалини қўлга киритган бўлса, яна бир иктидорли спортчимиз Анузар Юнусов ўсмирлар беллашувда иккита олтин медалга сазовор бўлди.

Тошкент аэропортида жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган юртимиз терма жамоаси тантана билан қутиб олинди. Маросимда мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, унинг техник ва амалий турларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила-

ётгани таъкидланди. Утган йилларда спортнинг ушбу турлари оммавийлигини ошириш мақсадида Бухоро вилоятининг Ёждувон, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳарларида замонавий картадром, Чирчиқ шаҳрида эса халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган спорт мажмуи қурилиб, спортчилар ихтиёрига берилди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ. Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЧЕМПИОНЛАР ТАЙЁРЛАЁТГАН МАСКАН

Олот туманидаги 7-Олимпия спорт мактаб-интернатининг шон-шухрат музейида эътиборни тортадиган факт ва рақамлар кўп. Ушбу таълим муассасаси ўқувчилари кейинги саккиз йилда жаҳон чемпионатларида 7 та олтин, 6 та кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган. Осиё чемпионатларида 4 та олтин, учта кумуш ҳамда саккизта бронза, шунингдек, республика биринчиликларида 80 та олтин, 175 та кумуш ва бронза медали соҳибига айланишган. Шуларни назарда тутасак, бу мактаб чемпионоларнинг чинакам маскани эканига ишонч ҳосил қиласан, киши.

Шу ўрнида яна бир далил, Пекинда бўлиб ўтган ХХХ олимпиада ўйинларининг дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритган Ришод Собиров ҳам дастлабки сабоқни худди шу мактаб-интернатда олиб, жамоа йигинларида тобланган.

— Бизда 153 нафар ўқувчи тарбияланган, — дейди спорт мактаб-интернати директори, танкичи мураббий Рустам Турев. — Улар спортнинг дзюдо, кураш ва аркан кураш турлари билан шугулланишмоқда. Эри-

шилаётган ютуқларга келсак, бу, энг аввало, Президентимизнинг мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган эътибори самарасидир.

Дарҳақиқат, бу ерда ёшларнинг ўқиши, спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, учта спорт зали, саҳна, ювиниш ва ечиниш хоналари, спорт майдончаси, ошхона, 155 ўринли ётоқхона

бўлди. 2007 йилда Брест шаҳрида ўтган ёшларнинг Евроосиё ўйинларида мактаб-интернат тарбияланувчиси Алишер Файзиев бронза медалини қўлга киритди. Жорий йилда Киев шаҳрида ташкил этилган «Умид кубоги» халқаро турнирида Рўзимурод Сапаров биринчи ўринни эгаллади.

— Ушбу мактаб-интернатда тахсил олиб, дзюдо сирларини ўрганаётганидан хурсандман, — дейди Рўзимурод. — Устозларим ишончини оқлаш, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш — асосий мақсадим.

46 килограмм вазнда гиламга чиқатган Рўзимуроднинг ҳозирги ютуқлари ҳам чакки эмас. У бултур 1992-1993 йилларда тугилган ёшлар ўртаси-

ИИБ маъбуот хизмати хабар қилади

СОХТА ДАЪВО

Наманган шаҳрида яшовчи 1986 йилда тугилган Мукаррамхон ИИБга мурожаат қилиб, кечки пайт унинг уйига уч нафар номаълум шахс бостириб кирганини ва зўравонлик билан ётоқхонасига яшириб қўйилган икки миллион сўмни олиб кетганини хабар қилди.

Жабранувчининг ариза-сига биноан бошланган тергов-суриштирув жараёни узоққа чўзилмади. Маълум бўлишича, аёл ёлгондан ҳуқуқ-тартибот идорасига ариза билан мурожаат қилган. Мукаррамхон турмуш ўртоғининг пулларини унга билдирмасдан ишлатиб юбориб, айбини шу йўл билан яширишга уринган экан.

УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

Пойтахтимизнинг Утепа туманида Ф. Абдуллаевга тегишли «Ниссан-Максим» автомашинаси номаълум шахс томонидан олиб қочилди.

Олиб борилган тезкор-қидирув натижасида ўғри топилди. Юнусобод туманида яшовчи 1966 йилда тугилган Баҳоидир исмли киши ўғирланган автомашинани бошқариб кетаётганда сергак йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан ушланди.

Айни пайтда қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МЕҲМОН МЕЗБОННИ ТУНАДИ

Эндигина 20 ёшни қаршилаган гулистонлик Д. Шириний Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи таниши А. Ҳайдарованинг уйига меҳмонга келди.

Бирок у меҳмон уйига кетган пайтдан фойдаланиб, уйдан заргарлик буюмлари, 800 АҚШ доллари ва 67 минг сўм пулни ўмариб, жуфтаскин рост-лайди...

Кўп ўтмай ИИБ ходимлари Ширинийни топиб, уни жавобгарликка тортидилар.

КУТИЛМАГАН МУАММО

Фарзанд боқиб олиш илтижиди Фаргона вилоятидаги туғуруқхоналардан бирига борган М. Дилфўз кутилмаган муаммага дуч келди.

Туғуруқхона мудираси бу ишни амалга ошириш учун ундан 9 миллион сўм талаб қилди.

ИИБ ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тезкорлик билан ташкил қилинган операция натижасида порахўр жиноят устида далилий ашё билан қўлга олинди.

И. МИНАВАНОВ тайёрлади.

Халқаро альтернатив қўнғироқлар
Барча қитъаларга қўнғироқлар*

Альтернатив теришда ягона тариф
000 + халқаро форматдаги абонент рақами

\$0,99 (бир дақиқа учун)

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган

МАДАНИЯТ хабарлари

Шу кунларда Самарқанд вилояти кўғирчоқ театри жамоаси Шаҳодат Усмонова ва Ирина Григорьевалар режиссёрлигида «Баднафс сичқон» ва «Ау амакиннинг саргузашлири» номли янги спектакллар устида қизғин иш олиб бормоқда.

Кўш спектакль

Мазкур спектакллар Самарқанд шаҳридаги мейрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат ва мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болакайлар учун мўлжалланган. Асосий ролларни Жамила Мардонова, Акбар Абдуллаев, Чарос Мардонова, Самир Шарипов, Анастасия Грунина, Светлана Беликова, Лариса Ли каби маҳоратли актёрлар икром этишди. Ҳар икки спектаклда дўстлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, саҳийлик каби инсоний туйғулар улуғланади.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Сайёҳларга намойиш этилади

Хивадаги вилоят кўғирчоқ театрида Шарқ халқларининг дурдона асари — «Минг бир кеча» янгича талқинда сахнага қўйилди. Спектаклни Германиялик таниқли режиссёр Юрген Саҳман сахналаштирди. Ҳозирда театр ёш томошабинлар билан гавжум. Асарни Ичанқалъадаги очик сахналарда сайёҳларга ҳам намойиш этиш режалаштирилмоқда.

Барно ЁҚУБОВА.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас. Фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbeKMAZservice@mail.ru

9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши маъмурий биноси томи ва фасадини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун танлов эълон қилади:

Буюртмалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: 100017, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Хуршид торкўчаси, 86-«А» уй. Телефон 150-31-50.

РАТБ «Галлабанк» томонидан 1 ойлик муддати билан «Кўрагу» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорда устама ҳисобланади ва омонат қўйилган куннинг ўзидаёқ туланади.

«Галлабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!

Кўшимча маълумотлар учун: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com.

«O'zbekinvest Hayot» Шўба суғурта компанияси жамоаси чет элга чиқувчиларни суғурталаш гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Юлдашевга падарли бузруквори БАХТИЁР отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Пауль Рейнхарт АГ» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси ваколатхона раҳбарининг ўринбосари Яшин Аюбожоновга отаси Ёқуб АЮБЖОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Тошширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 8